



Хар миллатнинг мактаб ва мадрасаси ўлдиги каби, бизни ҳам мактаб-мадрасаларимиз гарчи бенизом ва беусул ўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмас. Хар миллат авлодини тарбиялаш ва таълими улумда кўрсатган химмат ва гайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва гафлат зулматида колмокига ҳеч бир ризолари ўлмай, кўлларида келганча таълим ва тарбияти авлодда кусурлик кўрсатмакчи зотлар мавжуддирлар.

Ва лекин дунёга нима учун келгонини билмай, илм ва маорифга асло рағбат қилмай, жонидин ширин болаларини кўча-бакўча кездириб, бечора маъсумнинг азиз умрини жаҳолат оташина ёндиргувчи беҳамият ва беდიёнат оталар ҳам орамизда оз эмасдур. Кўп диндошларимизни кўрармизки, ўз фарзандларини асло мактабга бермай орқаларидин эргаштириб, руслар эшигида ўзлари каби хизматчиликка ўргатиб, дунё ва охиратнинг саодати ўлгон илм ва маорифдин махрум кўймоқдин ҳеч бир ибo қилмаслар. Баъзи азизларимиз бордурки, ўглини кўлидин тутиб мактабга олиб борур. Муаллимдан толиб қилурга: «Таксир, шу ўғлимни гўшти сизники устихони бизники, бир илож қилиб, тезлик ила нақд ва насиё ёзмокни ўргатиб берурсиз», дер. «Эшагига яраша тушови» деган ўзбек мақолича, муаллимлар ҳам аксарлари қонуни таълим-тарбиядин бутун-бутун беҳабар қишилар ўлуб, балки ўқув ва ёзувни ҳам лозиминча билмасликлари ваҳжидан бечора маъсумаларни истеъдоди зотиясига наззора икки йил зарифида жамиъ лавозумоти динияни билдирмок мумкин ўлгон қолда, тўрт-беш йилгача хижжа усули бирла дунё ва охиратга фойдаси бўлмагон Фузулий, Навоий, Хўжа Хофиз ва Бедил каби мушқул манзума қитобларга умри азизини қарбод ётарлар.

Эй ватандошлар! Диккат назари ила боқинг! Бир қолани мактабга қармақдан мақсуди вожибот диниямиз ўлгон илми қироат, масоили эътиқодия, қарз, вожиб, суннат мустаҳаб, қаром, мақруҳ, намоз ва рўза, ҳаж ва қаротларни ҳам қаруроти дунявиямиз ўлгон илми ҳисоб, жүгрофия, қарорих, ҳусусан, «Тарихи Ислоқ» қабии фойдалиқ илмларни билдурмок ўлгон қолда жоқил домқаларнинг «таълими фалоний, қоши қаро, қаро қўзи, қаро юзи, ох, сўзи ширин», деб қолаларни фасод ақлоқига биринчи сабаб ўладургон манзума қитоблар ўлмиш.

Бу хусусда отада айб йўк, чунки бу бечорани эътиқодида болани ўқутмок ёлғиз нақд ва насия ёздурмокдин иборатдур. Муаллимда ҳам айб йўк, чунки бу зикр килингон улуми зарурияларни бечора муаллимнинг ўзи билмас, балки баъзиларини исмини ҳам эшитган эмас. Бечора на килсун? Ночор, бефойда бўлса ҳам мактабларда болаларга ўқитгудек булардан бошқа бир китоб топилмагон замонларда ўзи ўқиб, билган китоблари шу китоблар ўлдиги чун эски ўрунларда эски тушларин кўрмакдадурлар. Мани сўзимдан Фузулий, Навоий, Хўжа Хофиз, Бедиллар каби улуг зотларни таҳкир килди, деб гумон килинмасун. Чунки мани гаразим бу китобларни зотан бефойда демак эмас, балки ёш болаларга бу китобларнинг таълими бефойда, демакдир. Мисола бир болага Фузулий ўрнига илми кироат, Навоий ўрнига масоили эътиқодия, Хўжа Хофиз жойига масоили амалиёт, Бедил бадалига илми ҳисоб ўқитилса, дин ва дунёси учун канча фойдалар ҳосил килиб, мусулмон ўлур. Билъакс, бу китобларнинг ўзи ўқитулгон ҳолда бу фойда-лардин маҳрум қолиб, балки фасод ахлоққа мубтало ўлмоғи ҳам эҳтимолдир. Чунки бу китобларни тасниф килгон зотлар Оллоҳ таолийга қурбат пайдо килгон кишилар ўлгонлари учун айтган сўзларининг зоҳири шариатга муҳолиф ўлса ҳам, ҳақиқати мувофиқдир. Чунончи мавлоно Фузулий дерки, фард:

Санамлар саждасидур бизда тоат тангри-чун, зоҳид,
Киши кўрсанг сен, ўз динингда таклифи намоз айла.

Ёки

Хўблар меҳроби абрўсина майл этмаз факих,
Ўлса кофирдур, мусулмонлар, анго килманг намоз.

Мавлоно Хофиз дерки:

Май нўшки, умри жовидоний ин аст,
Кайфияти рўзгори фоний ин аст.
Хангоми гулу, лолау ёрон сармаст,
Хушбош, дамеки, зиндагоний ин аст.

Бу каби сўзларнинг зохирий муҳолифи китоб, суннат бўлса ҳам, ҳақиқати бир бошқадир. Аммо ёш болалар, шубҳа йўқдурки, буни ҳақиқатда билмаслар. Балки ўқитган муаллимлари ҳам билмаслар. Ночор зохири ила амал қилиб, фасод ахлоқга мубтало бўлмок ҳавфи бордур. Баъзи жухало дермишки, бу тартиб ҳазрат Имоми Аъзамнинг тартиблари, буни бузаман деган кишининг ўзи бузулур. Ажабо, бу каби жаҳолат ҳам бўлурми? Бу жаҳли мураккаб эмасму? Чунки бу жохиллар ҳазрат Имоми Аъзамнинг умрларида бу китоблардин ҳеч бир асар ўлмагонини билмаслар. Бил-маганларини ҳам билмаслар. Қачон ул жанобнинг замонларида Фузулий ё Бедил, ё Хўжа Хофиз, ё Навоий бор эди? Қачон ул жаноб бу китоблардин болаларга таълим бердилар. Ул жаноб каби зотнинг ҳақларига бу каби бўлгон ифтиро, тухмат қилгон жохилни иншооллох ўзи билур.

Баъзи нодонлар дермишки, шу китобларни ўқимагунча болаларнинг саводи чикмас. Бу ҳам эътиқоди фосид ва даъвойи бедалилдур. Чунки бу эътиқод дуруст бўлса эди, Туркистон вилоятидин бошқа вилоятларда ҳеч қимнинг саводи ўлмас эди. Ваҳолонки, бошқа вилоятларда хат бил-майдургон киши юздан ўн бўлса, Туркистон вилоятида юздан тўксондир. Мундин ҳам маълум ўлурки, савод чикмак бу китобларни ўқумокка муваккуф эмас, балки бу китоблар гоят қийинлиқидин болаларни бесавод қолмоғига ҳам сабаб ўлур. Чунки бу китоблар ўқилдургон мактаб-ларда эллик боладин ўн бола тўрт-беш йилда базўр ушбу китобларнинг ўзинигина хатини тануб чикур. Бошқа китобларни яна дуруст билмас. Аммо бу китоблар ўқилмайдургон жаҳид мактабларида икки йил ичида эллик болани қирқ тўққизи балки ҳаммаси алассавия неча хил илмлардан имтиҳон бериб чиқар. Боз бу китобларни ҳам билур. Хайр, дурустрок ҳам билмасун? Лекин, билмағони бирла бу боланинг на дунёсига ва на охиратиға ҳеч бир зарари йўқ. Чунки бу китобларнинг ўзини дунё ва охиратға ҳеч бир фойдаси йўқ. Балки зарарининг эҳтимоли болада зикр қилинди. Хайр, келайлик садади қаломғаки, ўғлини мактабға бермақдин мақсади нақд ва насиё ёздурмок ўлгон жохил отанинг ўғлиға қилгон муаллим бечоранинг тарбияти, чеккан машаққатини ва маъсум бечораға мактабда берган қулфатини ёзиб битирмақ мумкин эмасдир. Қўргуси ва билгуси қелган киши бизнинг Тошқанд мактабларининг бириға қириб, икки соат истикомат қилсун. Шунча демак мумкиндики, муаллим афанди қўлида зўр бир таёқ, қайси боланинг боши ҳаракатдин қолса, ушбу таёқ шу боланинг бошида ўлур. Аммо ўқугон-ўқумағони ила ҳеч қимнинг иши йўқ. Бошини қимирлатиб ўлтирса қифоя қилур. Хаттоки, ўтган йилларда бу тариқа қолим муаллимларнинг таёқи остида вафот қилмок ҳам воқеъ ўлди.

Бу тариқа қолим ва бадхулқ, жохил муаллимларнинг тарбиясида ўсган болалардин нима умид қилмок қерак? Фасоди ахлоқдин бошқа бир иш ўрганмас. Жохил оталарни умид этдуклари нақд ва насиё ёзмок ҳам танҳо ўндан бир, йигирмадан бир болага ҳосил ўлуб, бошқалари эса «мактабда ўқумок, игна ила чоҳ қазимокдан ҳам қийин (мушқул) экан», дея-дея қочар-кетар. Бунга сабаб муаллимнинг бадхулқлиғи, мактабнинг бенизомилиғи ўлур. Агар бизларнинг мактабларимиз бошқа миллатлар мактаблари каби бир низомға қўйилиб, яхши муаллимлик вазиқасини лозиминча адо қилурлик қилилардин

муаллимлар тайин килинса эди, маъсум авлодларимизнинг руhini хаётига, дунё ва охиратининг саодатига биринчи сабаб ўладургон илм ва маорифдин бу даражада махрум ўлмакига сабаб бўлмас эдук.

Эй кардошлар, вой миллатдошлар!!! Кўзимиз гафлат уйкусидин очиб, атрофимизга назар солмакимиз лозимдир. Хар миллат ўз саодат хрл ва истикболини мухофазатига биринчи восита илм ўлмакига каноат хосил килиб илм ва маорифга ортик даражада кўшиш килган бу замон-да бизлар бу гафлат ва жахолатимизда давом этсак, истикболимиз нихоятда хавфлик ўлуб хамма оламга масхара ва кулгу ўлмогимизда хеч шубха йўқдир. Балки, бу жахолат зулматида саодати ухравиядин хам махрум колмок хавфлидир. Бу жахолат натижасидурки, ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдигимиз холда мусофир рус ва яхудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдук. Бу жахолат хохишидурки, миллат фойдаси учун жонин курбон килмокка лойик арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чикориб, истеъдод ва гайратларини чойхона ва пивахоналарга сарф этмакдадурлар.

[Мунаввар кори](#)

[«Тараккий» газетаси, 1906 йил, 14 июн](#)